# Дўстона учрашув

14 февралда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари К. У. Черненко Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг Ю. В. Андропов вафоти муносабати билан Москвага келган партия-давлат делегациялари бошлиқлари билан учрашди.

Учрашувда: Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси Т. Живков, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Я. Кадар, Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккер, Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, ПХР Министрлар Советининг Раиси В. Ярузельский, Руминия Коммунистик партиясининг Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушеску, Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак қатнашдилар.

Бўлиб ўтган батафсил суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари — СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР мудофаа министри Д. Ф. Устинов, шунингдек КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков иштирок этдилар.

Учрашув самимий, қардошларча вазиятда ўтди.

(ТАСС).

# К. У. ЧЕРНЕНКО И. ГАНДИ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари К. У. Черненко 14 февраль куни Кремлда Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди билан суҳбатлашди. Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ва Ҳиндистон ташқи ишлар министри П. В. Нарасимха Рао иштирок этдилар.

Совет томони Ю. В. Андропов хотирасига билдирилган ҳурмат учун дўст Ҳиндистон Бош министрига ва халқига миннатдорчилик изҳор этди.

Бўлиб ўтган қисқа суҳбат чоғида совет-ҳинд муносабатларининг муттасил олға қараб ривожланиб бораётганлиги мамнуният билан қайд этилди ва СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги мустаҳкам Шартноманинг негизида ана шу муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришга ҳар икки томон интилаётганлиги изҳор этилди. Бу Шартнома ҳар икки мамлакат халқларининг манфаатларига, Осиёда ва бутун дунёда тинчлик ишига пухта хизмат қилмоқда.

Самимий, дўстона вазиятда ўтган суҳбатда Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров ва В. В. Прибитков, СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси В. Н. Риков; Ҳиндистон томонидан — Ҳиндистоннинг СССРдаги элчиси С. Нурул Ҳасан, Бош министр маслаҳатчиси Г. Партхасаратхи, Ҳиндистон Ташқи ишлар министрлигининг ташқи ишлар бўйича секретари М. Расготра, Бош министр маслаҳатчиси К. Р, Гхарекхан ҳам қатнашдилар.

(ТАСС).

# К. У. ЧЕРНЕНКО Ж. БУШ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари К. У. Черненко 14 февраль куни Кремлда АҚШ вице-президенти Ж. Бушни қабул қилди. Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ва АҚШ сенатидаги республикачилар кўпчилигининг раҳбари Г. Бейкер иштирок этдилар.

Ж. Буш Ю. В. Андропов вафоти хусусида АҚШ президенти ва халқи номидан чуқур ҳамдардлик изҳор этди.

Совет томони Ю. В. Андропов хотирасига билдирилган ҳурмат учун миннатдорчилик изҳор этди.

Халқаро вазиятнинг ҳозирги аҳволи ва Совет-Америка муносабатлари хусусида принципиал жиҳатдан фикрлашиб олинди.

К. У. Черненко Совет Иттифоқининг халқаро ишлардаги сиёсати бундан буён ҳам ядро урушининг олдини олишга, тинчликни мустаҳкамлашга ҳамда барча мамлакатлар ва халқлар ўртасида тенг ҳуқуқли ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилганлигини таъкидлади. Айни вақтда СССР ўз хавфсизлиги, ўз иттифоқчилари ва дўстларининг хавфсизлиги манфаатларини ҳимоя этиш учун барча зарур ишларни қилиши уқтириб ўтилди.

— Совет-Америка муносабатлари,—деди К. У. Черненко,—тенглик ва баб-баравар хавфсизлик, қонуний манфаатларни ўзаро ҳисобга олиш ва бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик асосига қурилиши лозим. Америка томони ана шу принципларга амал қилишга тайёр бўлиши икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни тузатиб олишга киришиш имконини берган бўлур эди.

Суҳбатда СССРнинг АҚШдаги элчиси А. Ф. Добринин, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров билан В. В. Прибитков ва АҚШнинг СССРдаги элчиси А. Хартман ҳам қатнашдилар.

(ТАСС).

# Юрий Владимирович АНДРОПОВни дафн этиш маросими

(Боши 1 ва 2-бетларда)

БМТ тараққиёт ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик бош директори Ж. Рипер; араб мамлакатлари уюшмаси Бош секретарининг ёрдамчиси А. Омран; ЮНЕСКО бош директорининг ўринбосари Ш. Бакри ҳам Москвага келдилар.

Дипломатик корпус аъзолари ҳозир бўлдилар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари К. У. Черненко мотам митингини очади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громикога сўз берилади.

И. А. Лихачев номидаги Москва автомобиль заводининг темирчи-штамповкачиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. Н. Малин нутқ сўзлайди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов микрофон ёнига келади.

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Г. М. Марков нутқ сўзлайди.

КПСС Карелия область комитетининг биринчи секретари И. И. Сенькинга сўз берилади.

Мотам митинги ёпиқ деб эълон қилинади. Коммунистик партия ва Совет давлатининг раҳбарлари Ю. В. Андроповнинг тобути қўйилган супача ёнига келадилар. Мотам маросими юриши Кремль девори томон йўл олади.

Соат 12 дан 45 минут ўтди. Марҳумнинг жасади солинган тобут қабрга туширилади. СССР Давлат Гимни садолари остида тўплардан отилаётган ўқлар гумбирлайди. Худди шу дақиқаларда иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, қаҳрамон шаҳарлар Ленинград, Волгоград, Одесса, Севастополь, Новороссийск, Керчь, Тулада, қаҳрамон Брест қалъасида, шунингдек Калининград, Львов, Ростов-Дон, Куйбишев, Свердловск, Новосибирск, Чита, Хабаровск, Владивосток, Североморск, Ставрополь, Петрозаводск шаҳарларида тўплардан ўқ узиб, салют берилади.

Мамлакат мотам қайғусига чўкди: корхоналар ва ташкилотларнинг иши беш минут тўхталди. Фабрикалар ва заводларда, темир йўлларда, денгиз ва дарё флоти кемаларида эса гудоклар чалиниб, уч минут давомида салют берилди.

Коммунистик партия ва Совет давлатининг раҳбарлари яна марказий минбарга кўтариладилар.

Москва гарнизони қўшинларининг қисмлари шахдам қадам ташлаб Мавзолей олдидан ўтадилар. Улар Коммунистик партия ва Совет давлатининг раҳбарига, СССР Мудофаа кенгашининг Раисига сўнгги ҳарбий эҳтиромни бажо келтирадилар.

Ўзининг бутун кучини партия ва халқ ишига бахшида этган Юрий Владимирович Андроповнинг порлоқ сиймоси коммунистларнинг, барча совет кишиларининг қалбларида абадий сақланиб қолади.

(ТАСС).

# МОТАМОНА СУКУТ ДАҚИҚАЛАРИ

14 февраль куни Ўзбекистон ҳам бутун мамлакат билан бирга, бутун тараққийпарвар инсоният билан бирга Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби, оташин ленинчи-ватанпарвар, тинчлик ва коммунизм учун толмас курашчи Юрий Владимирович Андропов билан видолашди.

Флагштоклардаги байроқлар қуйи эгилган, қизил алвонларга мотам ҳошияси тутилган.

Москвада Ю. В. Андропов дафн этилаётган дамларда миллион-миллион кишилар телевизор ва радиоприёмниклар ёнига тўпландилар. Улар Союзлар уйининг колонна залидан Қизил майдонгача мотам юришининг ҳар одимини эътибор билан кузатиб турдилар. Улар КПСС Марказий Комитети Бош секретари К. У. Черненконинг, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громиконинг, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устиновнинг ва бошқа нотиқларнинг нутқларини зўр диққат билан тингладилар. Ҳар бир киши дилида Ленин ишига, Коммунистик партия ишига, Юрий Владимирович ўзининг бутун умрини бағишлаган ишга содиқ эканлиги ҳақидаги қасамёдни такрорлаб турди. Республика меҳнатчилари Ю. В. Андропов билан видолашар эканлар, КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг Коммунистик партияга, совет халқига Мурожаати даъват этганидек ўз сафларини Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ленинчи Марказий Комитети ва унинг жанговар штаби — Сиёсий бюро теварагида янада маҳкамроқ жипслаштиришга, севикли Ватан қудратини мустаҳкамлаш учун кучларини аямасликка, партия XXVI съезди тарихий режаларини турмушга татбиқ этиш устида фидокорона меҳнат қилаверишга онт ичдилар.

Ю. В. Андроповнинг жасади қабрга қўйилаётган пайтда ҳамма чуқур қайғурди. Юрий Владимирович партия сиёсатини амалга ошириш, унинг омма билан алоқасини мустаҳкамлаш, Ватаннинг иқтисодий потенциалини, унинг мудофаа қудратини ўстириш учун, совет кишиларининг фаровонлигини ошириш, ер юзида тинчликни сақлаш учун нақадар кўп иш қилганини ҳар бир киши эслайди.

Москвада тўплардан ўқ отилган дақиқанинг ўзида Тошкентда ҳам тўплар гумбурлайди... Завод ва фабрикалар, локомативлар уч минут давомида узлуксиз гудок чалиб салют берадилар. Станокларнинг иши тўхтатилди, шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнатчилари ўз иш жойларида чуқур сукунат ичра Коммунистик партия билан совет халқининг содиқ фарзанди Юрий Владимирович Андропов хотирасига сўнгги бор ҳурмат бажо этдилар.

(ЎзТАГ).

# ЧЕТ ЭЛ ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИ БОШЛИҚЛАРИНИНГ СОВЕТ РАҲБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Ю. В. Андроповни дафн этиш маросимига келган чет эл делегацияларининг бошлиқлари 14 февраль куни Кремлда совет раҳбарлари билан учрашдилар. Улар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари К. У. Черненкога, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихоновга, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громикога, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецовга чуқур ҳамдардлик изҳор этдилар.

Совет раҳбарлари Коммунистик партия билан Совет давлатининг атоқли арбоби, тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун толмас курашчи Ю. В. Андроповнинг хотирасини ҳурматлаш учун Москвага келган чет эл делегацияларининг барча бошлиқларига чуқур миннатдорчилик изҳор қилдилар.

БКП Марказий Комитетининг Бош секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси Т. Живков; ВСИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари Янош Кадар; ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккер; ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, ПХР Министрлар Советининг Раиси В. Ярузельский; РКП Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушеску; ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак; Куба Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Куба Республикаси Давлат Кенгаши ва Министрлар Советининг Раиси Ф. Кастро; МХРП Марказий Комитетининг Бош секретари, МХР Буюк Халқ хурали Президиумининг Раиси Ю. Цеденбал; ВКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВСР Давлат Кенгашининг Раиси Чионг Тинь; ЛХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ЛХДР Президенти Суфанувонг; КХРП Марказий Комитетининг Бош секретари, КХР Давлат Кенгашининг Раиси Хенг Самрин; КМП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КХДР вице-президенти Пак Сен Чер; ХХР Давлат Кенгаши Бош министрининг ўринбосари Вань Ли; ЮСФР Президиумининг Раиси М. Шпиляк, ЮКС Марказий Комитети Президиумининг Раиси Д. Маркович; ЯСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЯХДР Олий Халқ кенгаши Президиумининг Раиси, Бош министри А. Н. Муҳаммад; МПЛА—Меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, УНТА касаба марказининг Бош секретари П. Лувуалу; ФРЕЛИМО партиясининг Раиси, МХР Президенти Самора М. Машел; АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион кенгашининг Раиси Б. Кармал; Сандиночилар Миллий озодлик фронти миллий раҳбарлигининг аъзоси, Миллий тикланиш ҳукумати раҳбар кенгашининг координатори, Никарагуа Республикасининг революция командантеси Даниэл Ортега Сааведра; Эфиопия Меҳнаткашлар партияси ташкилот комиссиясининг (ЭМПТК) Раиси, Ҳарбий муваққат маъмурий кенгаш Раиси Менгисту Хайле Мариам; Франция Коммунистик партиясининг Бош секретари Ж. Марше; АҚШ Коммунистик партиясининг Бош секретари Г .Холл; Германия Коммунистик партиясининг Раиси Г. Мис; Португалия Коммунистик партиясининг Бош секретари А. Куньял; Ҳиндистон Коммунистик партияси Миллий кенгашининг Бош секретари Р. Рао; Италия Коммунистик партиясининг Бош секретари Э. Берлингуэр; Греция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Х. Флоракис; Кипр Меҳнаткаш халқ тараққийпарвар партияси (АКЭЛ) Бош секретари Э. Папаиоанну; Австрия Коммунистик партиясининг Раиси Ф. Мури; Ғарбий Берлин Бирлашган социалистик партиясининг Раиси Х. Шмитт; Дания Коммунистик партиясининг Раиси И. Енсен; Бельгия Коммунистик партиясининг Раиси Л. Ван Гейт; Норвегия Коммунистик партиясининг Раиси Х. Клевен; Финляндия Коммунистик партиясининг Раиси И. Каяноя; Буюк Британия Коммунистик партиясининг Бош секретари Г. Макленнан; Канада Коммунистик партиясининг Бош секретари У. Каштан; Исроил Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари М. Вильнер; Испания Коммунистик партияси Марказий Комитети Ижроия комитетининг ва секретариатининг аъзоси Ф. Ромеро Марин; Коммунистик партия бош секретари И. Гальего (Испания); Люксембург Коммунистик партиясининг Раиси Р. Урбани; Швейцария Меҳнат партиясининг Бош секретари А. Маньен; Швеция коммунистлари сўл партияси правлениеси ижроия комитетининг аъзоси Б. Энгстрем; Швеция коммунистлари ишчи партияси правлениесининг Раиси Р. Хагель; Сан Марино Коммунистик партиясининг Бош секретари У. Барулли; Мальта Коммунистик партиясининг Бош секретари А. Вассало, Сурия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Х. Бағдош; Ливан Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Ж. Хауи; Марокаш тараққиёт ва социализм партиясининг Бош секретари Али Ята; Тунис Коммунистик партиясининг Биринчи секретари М. Хармел; Жанубий Африка Коммунистик партиясининг Бош секретари М. Мабида; Ироқ Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси З. Хейри; Фаластин Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси С. Нажаб; Уругвай Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Р. Арисменди; Гайана Халқ прогрессив партиясининг Бош секретари Ч. Жаган; Гаити коммунистлари бирлашган партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Р. Теодор; Чили Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий комиссиясининг ва секретариатининг аъзоси В. Тейтельбойм; Боливия Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий комиссиясининг ва секретариатининг аъзоси С. Рейес; Панама Халқ партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Л. Томас; Япония Коммунистик партияси Марказий Комитети секретариатининг Раиси М. Канэко; Сурия Араб Республикаси Араб социалистик уйғониш партияси Бош секретарининг ўринбосари А. Ахмар; ЖХДР Миллий озодлик фронти партияси Сиёсий бюросининг аъзоси, партия Марказий Комитети доимий секретариатининг раҳбари М. Ш. Мессадия; Мали халқи демократик иттифоқи Марказий ижроия бюросининг аъзоси, ташқи алоқалар бўйича секретари М. Аг—Хамани; Замбия Миллий мустақиллик бирлашган партияси (ЮНИП) Бош секретари Х. Мулемба; Малагасия революцияси авангарди (АРЕМА) партиясининг Бош секретари, МДР Президенти Д. Рацирака; Гвинея—Бисау ПАИГК Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, республика Бош министри В. Сауде Мариа; Бурунди бирлик ва миллий тараққиёт партияси (УПРОНА) Бош секретари, республика Миллат мажлисининг Раиси Э. Мвороха; Яшил Бурун ороллари ПАИКВ Миллий кенгаши Сиёсий комиссиясининг аъзоси, республика ички ишлар министри Ж. С. ди Карвалью; Конго Меҳнат партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Конго Халқ Республикаси ташқи ишлар министри П. Нзе; Бенин ПНРБ Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Бенин Халқ Республикаси олий таълим ва илмий тадқиқотлар министри А. Монтейро; Гвинея Демократик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Гвинея Халқ революцион Республикасининг Бош министри Л. Беавоги; Танзания Бирлашган Республикаси революцион партияси (ЧЧМ) Бош секретари Р. М. Кавава; Намибия Жанубий-Ғарбий Африка халқ ташкилоти (СВАПО) Президенти С. Нуйома; Жанубий Африка африкаликлар миллий конгрессининг Бош секретари А. Нзо; Мадагаскар мустақиллиги конгресси партияси (АКФМ) Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, секретари К. Рама Мондзисуа; Чили Социалистик партиясининг Бош секретари К. Альмейда; Япония Социалистик партияси Марказий ижроия комитетининг Раиси М. Исибаси; Жаҳон Тинчлик Кенгашининг Президенти Р. Чандра; Жаҳон Касаба союзлари федерациясининг Бош секретари И. Закария;

Ҳиндистон Бош министри И. Ганди; Австрия федерал канцлери Ф. Зиновац; Австралия хазина ишлари министри П. Ж. Китинг; Миср Президентининг ёрдамчиси М. Салим; Аргентина вице президенти В. Мартинес; Бангладеш Бош ҳарбий маъмуриянинг ўринбосари, контр адмирал М. А. Хан; Бельгия Бош министрининг ўринбосари Ж. Голь; Ботсвана ташқи ишлар министри А. М. Могве; Бразилия министри Я. Гонсальвес; Папаиоанн —Павел II нинг шахсий вакили Ж. Лежен; Буюк Британия Бош министри М. Тэтчер; Гайана вице президенти М. Шахобиддин; ГФР федерал канцлери Г. Коль; Греция Бош министри А. Папандреу; Дания шаҳзодаси Хенрик ва Бош министри П. Шлютер; Зимбабве Президенти К. Банана; Индонезия ташқи ишлар министри М. Кусумаатмажа; Иордания министри А. Абу Ода; Ироқ вице президенти Т. М. Маъруф; Ирландия Президенти П. Хиллери; Исландия Бош министри С. Херманнссон; Испания ҳукумати раисининг ўринбосари А. Герра Гонсалес; Италия Президенти А. Пертини; ЯАР вице президенти А. Ал-Араше; Камерун ташқи ишлар министри Ф. Т. Мбог; Канада Бош министри П. Э. Трюдо; Кения ташқи ишлар министри Э. Мвангале; Кипр Президенти С. Киприану; Ливаннинг собиқ президенти Ш. Хелу; Ливия революцион раҳбарлигининг аъзоси А. Б. Юнес; Люксембург ҳукумати Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар министри К. Флеш; Мавритания Миллий нажот ҳарбий комитетининг аъзоси, майор шайх Сид Аҳмад улд Баба Мина; Мальдив Республикасининг министри А. Заки; Мальта Президенти А. Барбара; Марокаш валиаҳд шаҳзодаси С. Муҳаммад; Мексика конгресси депутатлар палатаси катта комиссиясининг Раиси У. Луго Хиль; Нидерландия ташқи ишлар министри Х. Ван ден Брук; Нигер Олий ҳарбий кенгашининг аъзоси М. Д. Адаму; Нигерия қуролли кучлари бош қўмондони штабининг бошлиғи Т. Идиагбон; Янги Зеландия министри Ж. Болжер; Норвегия валиаҳд шаҳзодаси Харальд ва бош министри К. Виллок; Покистон Президенти Зиёул Ҳақ, Португалия бош министри М. Соареш; Руанда министри А. Нтагерура; Сан Мариононинг капитан регентлари Р. Ренци, Ж. де Бьяжи; АҚШ вице президенти Ж. Буш; Судан Социалистик иттифоқи марказий раҳбарлигининг биринчи секретари Б. Сулаймон; Сьерра-Леоне ташқи ишлар министри А. Конте; Тунис ташқи ишлар министри Б. К. эс-Себси; Туркия Бош министри Т. Озал; Уганда Бош министри О. Алимади; Финляндия Президенти М. Койвисто; Франция Бош министри П. Моруа; Швейцария ташқи ишлар департаментининг бошлиғи П. Обер; Швеция шаҳзодаси Бертиль ва бош министри У. Пальме; Шри-Ланка ташқи ишлар министри А. К. Ш. Ҳамид; Япония ташқи ишлар министри С. Абэ; Бирма, Венесуэла, Габон, Заир, Эрон, Коста-Рика, Қувайт, Лесото, Либерия, Малайзия, Непал, Перу, Сейшель ороллари, Сенегал, Сингапур, Сомали, Того, Тринидад ва Тобаго, Филиппин, Чад, Эквадор, Ямайка, бошқа мамлакатлар ҳукуматларининг расмий вакиллари; «Оксидентл петролеум корпорейшн» компанияси директорлари кенгашининг раиси ва президенти А. Хаммер, БМТнинг тараққиёт ва халқаро иқтисодий ҳамкорлик бўйича Бош директори Ж. Рипер; Араб мамлакатлари уюшмаси бош секретарининг ёрдамчиси А. Омран; ЮНЕСКО Бош директорининг ўринбосари Ш. Бакри; Фаластин Озодлик ташкилоти ижроия комитетининг Раиси Я. Арафат ҳамдардлик билдирдилар.

(ТАСС).

# ТАЪЗИЯ БИЛДИРИШМОҚДА

Шу кунларда чет мамлакатларнинг давлат ва партия раҳбарлари, ҳукумат бошлиқлари СССР элчихоналарига келиб, Ленин партияси ҳамда Совет давлатининг атоқли арбоби, тинчлик ва коммунизм учун толмас курашчи Ю. В. Андропов хотирасига чуқур ҳурмат билдирмоқдалар.

ПРАГА. ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак, ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзолари, Чехословакиянинг бошқа партия ва давлат раҳбарлари Ю. В. Андропов вафоти муносабати билан СССР элчихонасига келишди. ЧКП ва Чехословакия давлатининг раҳбарлари халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби Ю. В. Андропов вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этдилар ва таъзиялар китобига имзо чекдилар.

БУДАПЕШТ. ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВХР Министрлар Советининг Раиси Д. Лазар ҳамда партия ва давлатнинг бошқа раҳбарлари Ю. В. Андропов хотирасини ҳурмат билан эсга олиш учун СССР элчихонасига келишди. Улар ВСИП Марказий Комитети, ВХР Президиуми ва Министрлар Совети номидан таъзиялар китобига «Совет халқининг чуқур мусибатига самимий ҳамдардлик билдирамиз», деб ёзиб қўйишди.

БУХАРЕСТ. РКП Марказий Комитети Сиёсий ижроия комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, Руминиянинг бошқа раҳбарлари СССР элчихонасига келдилар. Улар РКП Марказий Комитети, РСР Давлат Кенгаши ва ҳукумати номидан Ю. В. Андропов вафоти туфайли таъзия изҳор этдилар.

БЕЛГРАД. ЮСФР Президиумининг Раиси М. Шпиляк, ЮСК Марказий Комитети Президиумининг Раиси Д. Маркович, Югославиянинг бошқа раҳбарлари Совет элчихонасига келиб, Ю. В. Андропов вафоти муносабати билан таъзия изҳор этдилар. Улар таъзиялар китобига ёзиб қолдирдилар.

ПНОМПЕНЬ. КХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КХР Министрлар Кенгашининг Раиси, партия-давлат делегацияси бошчилигида совет элчихонасига келган Чан Си СССР элчихонасидаги таъзиялар китобига қуйидаги сўзларни ёзиб қолдирди:

Кампучия халқи совет халқи билан бирга Ю. В. Андропов вафоти муносабати билан чуқур қайғурмоқда. Ю. В. Андроповнинг ҳаёти ва фаолияти тинчлик ва социализм идеалларига садоқатли хизмат қилишнинг намунаси сифатида ҳамиша қалбларимизда қолади.

ВЬЕНТЬЯН. ЛХРП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЛХДР Министрлар Кенгашининг Раиси Кейсон Фомвихан, бошқа партия раҳбарлари Ю. В. Андропов хотирасини ҳурмат билан эслаш учун СССР элчихонасига келдилар. К. Фомвихан таъзиялар китобига қуйидаги сўзларни ёзиб қўйди: «Партия, давлат ва Лаос халқи улуғ Ленин ишининг содиқ давомчиси, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг таниқли арбоби, тинчлик, социализм ва коммунизм учун матонатли курашчи, Лаос халқининг қалин ва самимий дўсти ўртоқ Ю. В. Андроповнинг вафоти муносабати билан чуқур қайғурмоқдалар».

АДДИС-АБЕБА. Эфиопия Мувақҡат ҳарбий маъмурий кенгаши ва меҳнаткашлар партияси ташкилот комиссиясининг раиси Менгисту Хайле Мариам совет элчихонасига келди ва таъзиялар китобига ҳамдардлик сўзларини ёзиб қолдирди. Ю. В. Андропов, дейилади унда, бутун дунёда коммунизм ва тинчлик учун курашчи эди. Менгисту Хайле Мариам Эфиопия халқи номидан КПССга, СССР ҳукуматига ва совет халқига чуқур таъзия изҳор этди.

ПЕКИН. Ю. В. Андропов вафоти муносабати билан ХХР Раисининг ўринбосари Уланьфу, Умумхитой халқ вакиллари доимий комитети раисининг ўринбосари Гэн Бяо, бошқа расмий кишилар СССР элчихонасига келиб, чуқур таъзия билдирдилар. Улар таъзиялар китобига ёзиб қолдирдилар.

РАНГУН. Бирма Иттифоқи Социалистик Республикасининг Бош министри Маунг Маунг Кха Ю. В. Андропов вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдирди. У совет элчихонасига келиб, таъзиялар китобига ёзиб қолдирди.

ТРИПОЛИ. Ливия революциясининг бошлиғи М. Каддафи Ю. В. Андропов вафоти муносабати билан совет элчихонасига келди ва таъзиялар китобига қуйидагиларни ёзиб қолдирди: «Азиз дўстимиз Ю. В. Андроповдан жудо бўлганлигимиз туфайли чуқур қайғурмоқдамиз, совет дўстларимизга таъзия билдирамиз. Совет Иттифоқи халқлари билан дўстона муносабатларни давом эттиришга қатъий аҳд қилганлигимизни изҳор этамиз».

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон Бош министри И. Ганди СССР элчихонасига келиб, Ю. В. Андропов хотирасини ҳурматлаб эсга олди. У таъзиялар китобига имзо чекди.

ХЕЛЬСИНКИ. Финляндия Республикасининг Президенти Мауно Койвисто ва Бош министри Калеви Сорса Финляндиядаги СССР элчихонасига келиб, Ю. В. Андропов вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этдилар.

Финляндия Коммунистик партиясининг, бошқа сиёсий партияларнинг делегациялари Ю. В. Андропов хотирасига чуқур ҳурмат билдириш учун СССРнинг Финляндиядаги элчихонасига келишди.

ЛОНДОН. Британия ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари министри Ж. Хау Ю. В. Андропов вафоти муносабати билан СССР элчихонасига келиб, таъзиялар китобига имзо чекди.

Буюк Британия Коммунистик партиясининг бош секретари Г. Макленнан СССР элчихонасига келиб, таъзиялар китобига қуйидагиларни ёзиб қолдирди: «Ю. В. Андропов вафоти муносабати билан Буюк Британия Коммунистик партияси ижроия комитетининг ва Британия барча коммунистларининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан совет кишиларига чуқур ва самимий таъзияларини изҳор этаман».

РАБОТ. Марокаш қироллиги Бош министри Муҳаммад Карим Ламрани СССР элчихонасига келди. У Марокаш ҳукумати номидан Ю. В. Андропов вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдирди.

КОНАКРИ. Гвинея Демократик партияси Сиёсий бюросининг аъзоси, Бош министри Л. Л. Беавоги бошчилигидаги Гвинея Республикаси партия ва ҳукумат раҳбарлари СССР элчихонасига келдилар ва таъзиялар китобига қуйидагиларни ёзиб қолдирдилар: «Давримизнинг атоқли сиёсий арбоби ва тинчлик учун курашчи Ю. В. Андроповнинг вафоти муносабати билан бутун Гвинея халқи қайғурмоқда. Унинг бутун ҳаёти келгусидаги авлодлар учун ўз бурчига садоқат билан хизмат қилиш, ер юзидаги барча халқлар ўртасида бирдамликни мустаҳкамлаш ишига садоқат намунасидир».

БУЭНОС-АЙРЕС. Аргентина Коммунистик партиясининг Бош секретари Атос Фава СССР элчихонасига келиб, АКП Марказий Комитети ва барча аргентиналик коммунистлар номидан Ю. В. Андропов вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдирди.

ДАККА. Бангладеш Президенти, бош ҳарбий маъмурий генерал-лейтенант Х. М. Эршад СССР элчихонасига келди ва Бангладеш ҳукумати ҳамда халқи номидан Ю. В. Андропов вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этди.

Нидерландия, Филиппин, Мавритания, Уганда, Сомали, Миср Араб Республикаси, Заир, Малайзия, Таиланд, Маврикия, Қувайт ва бошқа мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат бошлиқлари ҳам чет мамлакатлар пойтахтларидаги совет элчихоналарига келиб, Ю. В. Андропов вафоти муносабати билан совет кишиларига ҳамдардлик билдирдилар.

БРАЗЗАВИЛЬ. Конго меҳнат партияси (КМП) Марказий Комитетининг Раиси, Конго Халқ Республикаси Президенти Д. Сассу-Нгессо, КМП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолари, республиканинг бошқа партия ва давлат арбоблари СССР элчихонасига келдилар. Д. Сассу-Нгессо таъзиялар китобига қуйидагиларни ёзиб қолдирди: «Ўртоқ Ю. В. Андропов хотирасини ҳурматлаб, Конго халқи, унинг партияси ва ҳукумати номидан ва шахсан ўз номимдан чуқур қайғу билан бошимни эгаман, кўп йиллар мобайнида социализм ишига садоқат билан фидокорона хизмат қилган инсонни ҳурматлаб эсга оламан.

Шу мотам кунларида, КМП Марказий Комитети КПСС Марказий Комитети билан ўзининг бирдам эканлигини яна изҳор этади ва мард совет халқига дўстлик туйғуларини билдиради».

ВАШИНГТОН. АҚШ президенти Р. Рейган СССР элчихонасига келди ва таъзиялар китобига қуйидаги сўзларни ёзиб қолдирди: «Ю. В. Андропов вафоти муносабати билан менинг таъзиямни, шунингдек унинг оиласига менинг ҳамдардлигимни топширишни илтимос қиламан».

БРЮССЕЛЬ. Бельгия ҳукуматининг бошлиғи В. Мартенс Ю. В. Андропов вафот этганлиги муносабати билан совет элчихонасига келди ва таъзиялар китобига имзо чекди.

(ТАСС).

